# Аллоҳим, бу кунни ютуқ қил




16:49 / 04.01.2023    2612

Абдуллоҳ ибн Авфо розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:
«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тонг отганида:

أَصْبَحْنَا وَأَصْبَحَ الْمُلْكُ لِلهِ عَزَّ وَجَلَّ وَالحَمْدُ لِلهِ وَالكِبْرِيَاءُ وَالعَظَمَةُ لِلهِ وَالْخَلْقُ وَالأَمْرُ وَاللَّيْلُ وَالنَّهَارُ وَمَا سَكَنَ فِيهِمَا لِلهِ تَعَالَى. اللهُمَّ اجْعَلْ أَوَّلَ هَذَا النَّهَارَ صَلَاحًا وَأَوْسَطَهُ نَجَاحًا وَآخِرَهُ فَلَاحًا يَا أَرْحَمَ الرَّحِمِينَ

«Асбаҳна ва асбаҳал мулку лиллаҳи азза ва жалла валҳамду лиллаҳи вал кибрийау вал ъазомату лиллаҳи вал холқу вал`амру вал лайлу ван наҳару ва маа сакана фийҳимаа лиллаҳи таъала, Аллоҳуммажъал аввала ҳазан наҳари солаҳан ва авсатаҳу нажаҳан ва ахироҳу фалаҳан йа арҳамарроҳимийн», деб айтар эдилар».
Маъноси: Биз ҳам, бутун борлиқ ҳам Аллоҳники бўлган ҳолда тонг оттирдик. Ҳамд, кибр, улуғлик, яратиш, буюриш, кечаси ва кундузи ҳамда

улар орасида турадиган нарсаларнинг барчаси Аллоҳ учундир. Аллоҳим, бу куннинг аввалини ислоҳ, ўртасини нажот, охирини ютуқ қил, эй раҳм қилувчиларнинг Раҳмлиси.

***Ибн Сунний ривоятлари.***